

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

6 - сонли

Олот шахри

2022 йил " 12 " 01

(шартнома тузилган жойи)

Олот туман Электр тармоқлар корхонаси(кейинги ўринларда "Корхона"(энергия билан таъминловчи ташкилот номи) (деб юритилади) нинг НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ф.Надиров бир тарафдан ва Олот туман Ободонлик тузилмаси Деби-си(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи)(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари У.Исраилов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юклагани соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 82227 кВт.с. ни ташкил қилади.*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 36999450 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.*

Шундан,	бюджет	маблағлари	ҳисобидан
<u>36999450</u> (ўттиз олти миллиард тўқсон юз тўқсон тўқсон ишкўрт юз эллик сўм)	ташқари	маблағлар	ҳисобидан
Бюджетдан		сўм.	

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 82227 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.